



# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT TUMANI HOKIMINING QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 1 - mart

6512 -son

Bog‘ot shaharchasi

**Хоразм вилояти ҳокимининг 2021 йил 15 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 132-сонли қарорининг ижроси тўғрисида”ги 82қ-сонли қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 132-сонли қарорининг тумандаги ижросини таъминлаш, ёшлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик қўллаб-қувватлаш, касб-хунарга ўргатиш ва бандлигини таъминлаш ишларини самарали ташкил этишнинг доимий молиявий манбаларини ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаш мақсадида

## ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Хоразм вилояти ҳокимининг 2021 йил 15 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 132-сонли қарорининг ижроси тўғрисида”ги 82қ-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш мақсадида туман ва шаҳарларда “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилганлиги;

Жамғарма маблағлари куйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилиши:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туманлар (шаҳарлар) маҳаллий бюджетларида шаклланган қўшимча манбаларнинг камида 15 фоизи миқдориди ҳар чоракда ажратиладиган маблағлар ҳисобига;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд хужжатлари ва

бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси”даги 2020 йил 24 ноябрдаги ПФ-6118-сон Фармонининг 12-бандида белгиланган тушумларнинг мазкур Фармон иловасига мувофиқ миқдордаги қисмига;

хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг техник кўмак маблағлари ва грантлари ҳисобига;

ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилиши белгиланганлиги;

Жамғарма маблағлари:

“Ёшлар дафтари”га киритилган моддий аҳволи кийин ёшларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача миқдорда бир марталик моддий ёрдам кўрсатишга йўналтирилиши;

ёшларни тадбиркорликка ва касб-ҳунарга ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотларига сарфланган харажатларнинг 75 фоизигача қисмини қоплашга йўналтирилиши;

бунда ёшларни тадбиркорликка ўқитиш харажатларининг ҳар бир битирувчига БХМнинг 4 бараваридан ортиқ бўлмаган қисми, касб-ҳунарга ўқитиш учун сарфланган харажатларнинг бир ойгача, бир ойдан икки ойгача, икки ойдан ортиқ муддатли ўқув курслари учун тегишлича БХМнинг 4, 8, 12 бараваридан кўп бўлмаган қисми қопланиши;

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга БХМнинг 8 бараваригача миқдорда уруғлик ва кўчатлар сотиб олиш учун субсидия ажратишга;

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолияти ҳамда ўзини ўзи банд қилиш мақсадида нотурар жойнинг 12 ойгача ижара харажатларини кўпи билан бир йилда БХМнинг 25 бараваригача миқдорда қоплашга;

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилишга зарур бўлган асбоб-ускуналар ва меҳнат курулларини харид қилиш учун БХМнинг 40 бараваригача миқдорда субсидия ажратишга;

мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида таълим олаётган “Темир дафтар”га киритилган оилалар фарзандларининг тўлов-контракт суммасининг 50 фоизигача, аммо БХМнинг 50 бараваридан ошмаган миқдорда тўлаб беришга;

“Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг аҳволи оғир бўлган бемор фарзандларига мамлакатда ёки хорижий давлатларда даволаниш билан боғлиқ харажатларни БХМнинг 50 бараваридан ошмаган миқдорда қоплашга;

психологик маслаҳатга муҳтож ёшларга ихтисослашган нодавлат-нотижорат ташкилотлар ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари томонидан пуллик психологик хизмат кўрсатилиши билан боғлиқ харажатларни қоплашга;

ёшларнинг эҳтиёжлари ва хоҳиш-истакларини ўрганиш натижалари бўйича уларнинг истеъдодларини қўллаб-қувватлаш, беш муҳим ташаббусни

руёбга чиқариш ва унинг доирасидаги тадбирларни молиялаштиришга;  
қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган бошқа харажатларни  
қоплашга йўналтирилиши белгиланганлиги;

Қуйидагилар:

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш  
жамғармаси тўғрисидаги намунавий низом 1-иловага мувофиқ;

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш  
жамғармаси Васийлик кенгашининг намунавий таркиби 2-иловага мувофиқ  
тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Туманда “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-  
қувватлаш жамғармаси Васийлик кенгашининг таркиби 3-иловага мувофиқ  
тасдиқлансин.

4. Жамгарманинг даромад ва харажатлари йиллик параметрларини,  
уларнинг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни, йиллик иш режаларини  
тасдиқлаш ҳамда Жамгарма маблағларини шакллантириш ва улардан  
фойдаланиш билан боғлиқ бошқа ваколатлар “Ёшлар дафтари”га киритилган  
ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Васийлик кенгаши томонидан  
амалга оширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг  
тадбиркорликка қўмаклашиш маркази туман бўлими (У.Қувақов) Ёшлар  
ишлари агентлиги туман бўлими (О.Матниёзов), АТБ “Халқ банки” Боғот  
филиали (А.Сапаев), АТБ “Агробанк” Боғот филиали (Б.Жабборов) билан  
биргаликда ёшларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнес лойиҳаларини ишлаб  
чиқиш ва кредит олишда қўмаклашиш, кредит ажратилгандан сўнг ёшлар  
тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар белгиласин.

6. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати (М.Абдуллаева), “Боғот садоси”  
газетаси (Ш.Усмонхўжаев)га ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини оммавий  
ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг  
тадбиркорликка қўмаклашиш маркази туман бўлими (У.Қувақов) Ёшлар  
ишлари агентлиги туман бўлими (О.Матниёзов) билан биргаликда ҳар ой  
яқунида амалга оширилган ишлар юзасидан туман ҳокимлигига  
маълумотларни тақдим қилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман  
хокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари  
бўйича биринчи ўринбосари С.Қурбонов, туман ҳокимининг ёшлар сиёсати,  
ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари  
Р.Шарипов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ш.Яхшибаев